



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ

Қ А Р О Р И

№ 992

2022 й. "24" сентябрь

№ 21/8

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши
курашишга оид ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” қонунларида белгиланган коррупцияга қарши курашишга оид талабларини амалга ошириш ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида, Марказий банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисидаги Йўриқнома 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома 5-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома 6-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 7-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти 8-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 9-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.


2. **Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев)** Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларни амалиётга татбиқ этилишини ҳамда уларнинг самарадорлиги мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

3. **Кадрлар билан ишлаш департаменти (В.Хамроқулов)** ҳамда **Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев)** мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда барча ходимларни Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлари талаблари билан таништиради, ўқув семинарларини ташкил этилишини таъминласин.

4. **Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/12-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида Хизмат текширувлари ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 26 декабрдаги 28/24-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.**

5. **Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари Б.Ю. Абубакиров зиммасига юклатилсин.**

Марказий банк раиси



М.Б. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2022 йил “24” сентябрдаги
21/8 - сонли қарорига
1 – илова
№ 992

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
СИЁСАТИ**

МУНДАРИЖА

1-боб. Умумий қоидалар	3
2-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари	6
3-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари	7
1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш.....	7
2-§. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш	8
3-§. Иш юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш.....	9
4-§. Харид билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш.....	9
5-§. Кадрларни танлаш, лавозимга тайинлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш	10
6-§. Марказий банкнинг назоратга доир вазифаларни амалга ошириш жараёнини тартибга солиш	10
7-§. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш	11
8-§. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ҳамда самарали жараёнини таъминлаш	11
9-§ Идоравий норматив ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси.....	12
10-§ Махфийликка риоя этиш	12
11-§ Бошқа тақиқлар ва чекловлар	12
4-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари	13
1-§ Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда раҳбар ходимларнинг шахсий намунаси.....	13
2-§. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда уларни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар.....	13
3-§. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул	14
4-§ Хабардорлик ва коммуникация	14
5-§. Тартиб-қоидаларга риоя этмасликни кўриб чиқиш ҳамда жавобгарлик.....	15
6-§ Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик.....	15
5-боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш тартиби	16

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларда (бундан буён матнда - Марказий банк тизими) ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида ходимларнинг юксак хулқ-атвор меъёрларига содиқлигини, шунингдек Марказий банк тизими ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.

2. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунлари талабларига мувофиқ, шунингдек ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими - Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

3. Қуйидагилар Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

ходимларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш орқали уларнинг коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатини шакллантириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

манфаатлар тўқнашувини олдини олиш;

ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига, юксак хулқ-атвор меъёрларига содиқлигига эришиш;

Марказий банк тизимида коррупциявий ҳуқуқбузарликни барвақт аниқлаш, олдини олиш ҳамда келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

4. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган вазифасидан қатъий назар Марказий банк тизимидаги барча ходимлар учун бирдек амал қилади. Ҳар бир ходим коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт.

5. Марказий банк тизимида ишга кирган ҳар бир ходим мазкур Сиёсат билан танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

6. Мазкур Сиёсатда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

ходим - Марказий банк тизимида меҳнат шартномага асосан меҳнат муносабатларига киришган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

алоқадор шахслар - ходимнинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар (қариндошлар, дўстлар, қўшнилар, синфдош, курсдош, олдинги иш жойидаги шахслар ва х.к.);

контрагент - Марказий банк тизими билан шартномавий муносабатларга киришган ёки шартномавий муносабатларга киришишни режалаштираётган (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

ички назорат тузилмаси - Марказий банк тизимида коррупцияга қарши комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилма ёки масъул шахс;

иш юзасидан меҳмондўстлик белгилари - ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, жумладан иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши, учинчи шахсларнинг транспорт ва яшаш харажатлари, эсдалик совғаларини тақдим этиш, кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар;

манфаатлар тўқнашуви - ходимнинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг хизмат мажбуриятларини холис бажаришига салбий таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан Марказий банк тизимининг манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция - ходимнинг ўз мансаб мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши;

коррупциявий хавф-хатар - ходим томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликни амалга ошириш эҳтимоли;

коррупциявий ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлик учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ва ички ҳужжатлар талабларига мувофиқ фаолиятни ташкил этувчи, коррупциявий хавф-хатарлар ҳамда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бартараф этиш (минималлаштириш)ни ўзида мужассам этган профилактик тизим;

фаворитизм – қарорлар қабул қилишда раҳбар ходимнинг битта шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш, хорижий сафарларга юбориш, шунингдек навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда асоссиз имтиёзлар тақдим этиш;

кронизм - (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) - дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва/ёки обрўсидан фойдаланиш;

непотизм - (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Марказий банк тизими манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

шафелик - ходимни лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан бошқаларга нисбатан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, унга ҳомийлик қилиши;

маҳаллийчилик - маҳаллий манфатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

расмийчиликларни соддалаштириш учун тўловлар - белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулккий ҳуқуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

совға - ходимга (унинг оила аъзоларига) ўз мансаб мавқеига боғлиқ ҳолда бепул берилган, моддий қимматга эга бўлган мол-мулк ёки беғараз кўрсатилган иш, хизмат;

хайрия (хайрия ёрдами) - юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг Марказий банк тизими учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ва/ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидаги бошқа қўллаб-қувватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий беғараз ёрдами;

ҳомийлик (ҳомийлик ёрдами) - юридик ёки жисмоний шахслар томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шарти билан бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлашни ихтиёрий беғараз ёрдам сифатида тақдим этиш;

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин - ўйин ташкилотчиси томонидан бир ёки ундан ортиқ иштирокчилар билан тасодифга (воқеага) ёки ўйин иштирокчисининг қобилияти, эпчиллиги ва бошқа сифатларига боғлиқ ютук тўғрисида тузилган, таваккалчиликка асосланган битимга мувофиқ ўйин ташкилотчилари ва иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари мажмуини назарда тутувчи ўйин, шу жумладан тотализаторлар, казино, шунингдек ўйин автоматларидан фойдаланиладиган ўйин;

яқин қариндошлар - қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

2-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари

7. Коррупцияга қарши кураш тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

қонунийлик - Марказий банк тизимидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ, шунингдек Марказий банкнинг ички ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;

коррупцияга нисбатан муросасизлик - Марказий банк тизими фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлиш. Ходимларга коррупциявий ҳаракатлар ёки коррупциявий ҳуқуқбузарлик келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

очиқлик ва шаффофлик - ходимлар, контрагентлар ва кенг жамоатчиликни Марказий банк тизимида қабул қилинган ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилинади (махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда);

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган ходимлар ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги тамойили - коррупцияга қарши курашишда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигини таъминланади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш - коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини доимий равишда ошириб бориш чоралари кўрилади;

тизимлилик тамойили - Марказий банкда коррупцияга қарши курашиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирларни ўзаро мувофиқлаштирган ва тизимли амалга оширилади;

раҳбар ходимларнинг шахсий намунаси тамойили - Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотлар раҳбар ходимлари ўзининг коррупцион хатти-ҳаракатларга нисбатан мурасиз муносабатда бўлиш позициясини намоён этади;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик тамойили - коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик ва идоралар ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияни олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги тамойили - чора-тадбирларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлашга, уларни олдини олишга йўналтиради;

хабардорлик тамойили - ходимларни коррупцияга қарши курашишга оид амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларга киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади;

мутаносиблик тамойили - коррупцияга қарши курашиш чораларини амалга ошириш доирасида мавжуд коррупцион хавф-хатарларни бошқариш учун етарли бўлган меҳнат ва молиявий ресурсларни йўналтиради.

3-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

8. Ходимлар ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва виждонан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ҳамда манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ходим ўзининг раҳбарига ёки ички назорат тузилмасига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши керак.

Ходимлар хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида непотизм (қариндошлик), шафелик, фаворитизм, маҳаллийчилик ва кронизмнинг намоён бўлишига йўл қўймаслиги шарт.

9. Ходимлар ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда, ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши шарт.

10. Ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни Марказий банкнинг манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички меъёрий ҳужжатда белгилаб қўйилади.

11. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумот олган раҳбар ёки ички назорат тузилмаси манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

2-§. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш

12. Ходимларга ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида жисмоний ва юридик шахслардан совғалар, жумладан қарз, кафолатлар, кафилик, мукофот, моддий ёрдам, пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, бошқа моддий кадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рағбат воситаларини олиш тақиқланади.

Бундан ходимнинг алоҳида хизматлари учун Марказий банкнинг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек мусабақалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.

Ходимлар хизмат сафарлари вақтида, шунингдек халқаро ва бошқа расмий тадбирларда муносабати билан совғалар олиши мумкин. Бунда, совғанинг қиймати ва унинг тассаруф этиш тартиби қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

13. Ходимлар ўртасида совғаларни олиш ёки беришда қуйидагиларга риоя қилинади:

совғани фақат умумэтироф этилган байрамлар (таваллуд куни, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва бошқалар) муносабати билан беришга рухсат этилади;

совғани олиш манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

совға очиқ-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

совғани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ҳодиса аниқ баён этилади;

совғанинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баробаридан ошмаслиги лозим.

14. Қуйидаги ҳолларда халқаро ёки республика миқёсидаги конференциялар, семинарлар ва турли учрашувларда буюмлар ҳамда меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш мумкин эмас:

контрагентлар билан шартномалар тузиш жараёнида аввал/кейин ҳамда шартнома шартларига ўзгартиришлар киритилаётганда;

лицензиялаш, рухсат бериш жараёнларига қисқа вақт қолганда;

назорат тадбирларини амалга ошириш даврида.

15. Халқаро конференциялар, форумлар ва бошқа турдаги учрашувларда Марказий банк тизими номидан иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгиларини намоён қилиш раҳбарият фармойишига мувофиқ амалга оширилади.

3-§. Иш юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш

16. Ходимларнинг халқаро ва бошқа ташкилотлар таклифига кўра иш юзасидан ўтказиладиган тадбирлар (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар, форумлар ва ҳ.к.)да иштирок этишига қуйидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Марказий банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мос келса;

тадбир Марказий банк тизими ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

тадбир Марказий банк тизими ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказиётган лойиҳа-тадқиқот ташкилотига мурожаат қилишни тавсия қилиш) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаса;

тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Марказий банк ва таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаса;

тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келса.

17. Марказий банк тадбирларни ушбу сиёсатда қайд этилган талабларга мувофиқ ташкил этади.

4-§. Харид билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш

18. Марказий банкда харидларни амалга оширишда молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, асосланганлиги, самарадорлиги, тежамкорлигини таъминлаган ҳолда очиқлик, шаффофлик принципларига асосланиши лозим.

19. Манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни ва инсофсиз контрагент билан шартнома тузиш хатарини камайтириш, харид жараёни иштирокчисининг шартномада талабларини бажариш имкониятини баҳолаш мақсадларида харид жараёнлари иштирокчиларини ўрганиш ўтказилади.

20. Марказий банкда харидлар қонун ҳужжатлари, ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартиб-тамоилларга мувофиқ амалга оширилади.

5-§. Кадрларни танлаш, лавозимга тайинлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш

21. Ходимларни танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

22. Ходимларни (юқори) лавозимга тайинлашда, кадрлар захирасига киритишда ва бошқа ҳолатларда ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этилиши тақиқланади.

23. Номзодларни саралаб олишда тегишли лавозимга қўйилган талабларга мувофиқ танлов асосида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг шахсий фазилатларига, малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

24. Номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш жараёнида уларнинг шахсий фазилатлари жумладан, ҳалоллиги, одил ва юксак ҳуқ-атвор намунасини намоён этиши ҳамда ҳуқубузарликларга мойил эмаслиги тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда очиқ маълумотлар асосида ўрганилади.

6-§. Марказий банкнинг назоратга доир вазифаларни амалга ошириш жараёнини тартибга солиш

25. Марказий банк томонидан назорат қилиниши лозим бўлган шахслар фаолиятини инспекция қилиш, ўрганиш, текширувдан ўтказиш ҳамда масофавий назоратни амалга оширишда ходимлар:

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

ҳар бир аниқланган қоидабузарликни қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

назорат объекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;

назорат предмети масалаларидан четга чиқмаслиги;

назорат объекти ходимлари (ёки вакили) пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар таклиф этган тақдирда, бу ҳақида текшириш гуруҳи раҳбарига ва ички назорат тузилмасига зудлик билан хабар бериши;

назорат объекти вакиллариغا Марказий банк тизими ходимларининг Одоб-аҳлоқ қоидаларига мувофиқ муносабатда бўлиши;

назоратни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларида ҳамда ички ҳужжатларда белгиланган тартиб-тамоилларга қатъий риоя этишлари лозим.

7-§. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш

26. Марказий банк тизимида мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларига зид ҳар қандай тўловларни ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахслар жалб қилинмайди.

27. Марказий банк тизимида объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоф жараёни, шунингдек сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Марказий банки ички меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

28. Контрагентлар билан ҳамкорлик қилишда:

контрагентнинг ишончилиги, жумладан, коррупцияга оид қоидабузарликларга муносабати ҳамда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилади;

контрагент билан тузиладиган шартнома матнига коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали коррупцияга қарши тамойил ва талаблар ҳақида хабардор қилинади.

8-§. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ҳамда самарали жараёнини таъминлаш

29. Марказий банк қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда учинчи шахсларнинг хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин.

Хайрия ва ҳомийлик ёрдамини олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

30. Марказий банк тизимида қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва алоҳида ходимлар томонидан хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

31. Марказий банк тизимида хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олишда хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши ҳамда коррупцияга қарши шартлар киритилиши лозим.

9-§ Идоравий норматив ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

32. Идоравий норматив ҳужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларда коррупциявий омилларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида юридик хизмат томонидан ҳуқуқий экспертиза ўтказилади.

10-§ Махфийликка риоя этиш

33. Ходимлар ўз хизмат мажбуриятларини бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган банк сирини ташкил этувчи ахборотни ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши чекланган бошқа ахборотни ошкор этиши ёки учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб ундан фойдаланиши тақиқланади.

11-§ Бошқа тақиқлар ва чекловлар

34. Коррупцияга нисбатан мурасасизлик тамойилига амал қилган ҳолда барча ходимларга қуйидаги ҳаракатлар қатъиян ман этилади:

мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек ваколатларини суистеъмол қилиш орқали ҳар қандай шахслардан моддий ёки номоддий наф талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш;

мансаб ва хизмат мавқеидан Марказий банкнинг қонуний манфаатларига зид равишда, наф олиш мақсадида фойдаланиш;

порахўрлик ёки тижорий пора олишда воситачилик қилиш, жумладан, пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун қонунга ҳилоф равишда тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

коррупция аломатлари мавжуд бўлган, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш;

ҳар қандай тарздаги қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа уйинларида иштирок этиши ва бундай фаолият билан шуғулланиш (шу каби объектларга кириш, шу жумладан, қимор билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш).

35. Мазкур Сиёсат, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бошқа чеклов ва тақиқларга қатъий риоя қилиши лозим.

4-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари

1-§ Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда раҳбар ходимларнинг шахсий намунаси

36. Коррупцияга қарши курашиш мавжуд қонунчилик ҳамда Марказий банк тизимининг ички меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади. Ички меъёрий ҳужжатларни мазкур Сиёсат, одоб-ахлоқ қоидалари, ички меҳнат тартиб-қоидалари, манфаатлар тўқнашувини бошқариш каби ҳужжатларни ташкил этади.

37. Марказий банк тизимидаги раҳбар ходимлар олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим. Бунда, Марказий банк раиси, унинг ўринбосарлари, марказий аппарат таркибий бўлинма раҳбарлари, шунингдек ҳудудий бош бошқарма бошлиқлари, унинг ўринбосарлари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари, унинг ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчи ходимлар, хамкасабалар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва юксак ҳуқ-атвор намунасини намоён этади ва шу орқали уларда коррупциявий ҳуқуқбузарликга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

38. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, ходимлар ўз даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этади.

2-§. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда уларни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар

39. Марказий банк тизимида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусияти, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.